

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО  
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



**2020 йил 8 сон**

3. 2018 йил 5 мартдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора –тадбирлари тўғрисидаги” фармони
4. Болалар ва ўсмирлар спорти машғулоти назарияси ва услубиёти. Усмонхўжаев. Т.С. 2005 йил.
5. “Жисмоний тарбия ва спорт” Солиев Ҳ. Андижон .2001 йил.
6. “Жисмоний тарбия тарбия назарияси ва услубиёти” А. Абдуллаев. Ш. Ҳонкелдиев. Тошкент. 2005 йил.
7. Кушбахтиев И.А. “Валеология асослари”. Дарслик. 2001 йил.
8. Саломов Р.С. Керимов Ф.А. “Жисмоний тарбияда педагогик технологиялар. Ўқув қўлланма. 2002 йил.

### **АҚЛИ ЗАИФ ЎҚУВЧИЛАР МУЛОҚОТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ЯНГИЧА ЁНДОШИШ**

Музаффарова Хайтгул Несибовна – А.Қодирий номли  
Жиззах давлат педагогика институти катта ўқитувчиси  
Исматуллаев Отабек – А.Қодирий номли  
Жиззах давлат педагогика институти  
Дефектология йўналиши 3-босқич талабаси

***Аннотация:** Ушбу мақолада ақлий ривожланишида нуқсонли бўлган болалар мулоқотини ривожлантириш мазмунли ёритилган. Ақли заиф болаларнинг мулоқотчанлигини ривожлантиришнинг самарали йўллари очиқ берилган.*

***Таянч сўзлар:** мулоқот, арт – терапия, технология, психокоррекцион машғулоти, ақли заиф ўқувчилар, эртак терапияси.*

### **НОВЫЙ ПОДХОД К РАЗВИТИЮ С УМСТВЕННО ОТСТАЛЫМИ УЧЕНИКАМИ**

Музаффарова Хайтгуль Несибовна - Старший преподаватель  
Джизакского государственного педагогического  
института имени А.Кодирия  
Исматуллаев Отабек - студент 3 курса Дефектологии  
Джизакского государственного педагогического  
института имени А.Кодирия

***Аннотация:** В этой статье освещена специфика формирования разговорной речи у детей с ограниченными интеллектуальными возможностями. Раскрыты эффективные пути формирования общения умственно отсталых детей.*

***Ключевые слова:** общение, арт-терапия, технология, психокоррекционная тренировка, умственно отсталые ученики, сказочная терапия.*

### **A NEW APPROACH TO DEVELOPMENT WITH MENTALLY RETARDED PUPILS**

Muzaffarova Khaitgul Nesibovna - Senior Lecturer  
Jizzakh State Pedagogical A. Kodir Institute

Ismatullaev Otabek - 3rd year student of Defectology  
Jizzakh State Pedagogical A. Kodir Institute

**Annotation:** This article highlights the specifics of the formation of colloquial speech in children with intellectual disabilities. Effective ways of forming communication between mentally retarded children are disclosed.

**Key words:** communication, art therapy, technology, psychocorrectional training, mentally retarded students, fairy tale therapy.

Ақлий ривожланишида нуқсони бўлган болалар мулоқотини ривожлантириш йўллари ва усуллари махсус психологияда ҳам, коррекцион педагогикада ҳам узоқ даврлар мобайнида ва ҳозирги кунга қадар мунозарали масала бўлиб келмоқда.


К.Роджерс мазкур масалага қуйидагича ёндошади: “Бола вербал мулоқотни тўлиқ ўзлаштиришига қадар, ўйин ва ўйин материали боланинг катталар ва тенгдошлари билан ҳиссий алоқа ўрната олишга ҳамда мулоқот кўникмаларини ривожлантириш бўйича зарурий тажрибаларини эгаллашга замин яратади” [4].

Ҳозирги кунда тобора ривожланиб, такомиллашиб, сайқал топиб келаётган усуллар тизимидан бири арт –терапиядир. Ўқувчилар мулоқотини ривожлантиришда арт-терапиянинг турли йўналишларидан самарали фойдаланиш муваффақиятли натижаларини қўлга киритиш имконини яратмоқда.

“Арт-терапия” тушунчаси инглиз тилидан келиб чиққан бўлиб, у “бадий ижод машғулоти билан даволаш” деган маънони англатади. Арт-терапия усуллари ривожланиш тарихи 1930-йилларга бориб тақалади [2].

Арт терапиянинг йўналишлари ва усул воситалари турли-туман бўлиб, биз арт-терапиянинг мулоқотини ривожлантиришга йўналтирилган йўналишларининг усул ва воситаларини кўриб чиқамиз (1-расм).

Юқоридаги йўналишларнинг барчаси мулоқотнинг ривожлантиришда арт-терапия йўналишларининг умумлашган усуллар тизимини яратиш ва уни таълим-тарбия тизимга киритиш, коррекцион-ривожлантирувчи ишларда жуда яхши натижаларни қўлга киритиш имконини беради. Қуйида арт-терапиянинг мулоқотни ривожлантиришга хизмат қилувчи йўналишлари ҳақида алоҳида тўхтаталиб ўтамиз.



## 1-расм. Мулоқотни ривожлантириш йўналишлари

Ўйин терапияси. Бизга маълумки, инсон ривожланишининг дастлабки босқичи бевосита ўйин фаолияти билан белгиланади. Шу сабабли, кўпчилик психологлар, педагоглар бола мулоқотининг ривожланишида ўйиннинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб, мулоқотнинг ривожлантиришда ҳозирги кун талабига жавоб бера оладиган махсуслаштирилган замонавий ўйин технологияларини яратиш лозимлигини айтиб ўтадилар. Ақли заиф ўқувчилар мулоқотини ривожлантиришда ўйин технологияларидан таълим жараёнининг турли шаклларида кенг фойдаланиш мумкин. Ҳозирда ўйин технологиялардан фойдаланишнинг тобора ривожланиб бораётган шакли яқка ривожлантирувчи дастур асосида тузилган махсус машғулотлар тизими бўлиб, ўз ичига қуйидаги машғулотларни киритади:

- ўйинли машғулотлар;
- ўйинли вазифалар;
- ўйинли инсценировкалар.

Ўйин тарзидаги психокоррекцион машғулотлар дунё бўйича кенг қўлланиб келинмоқда. Ўқувчилар учун турли шароитларда ўйин вазиятларни яратиш, аввало, уларнинг ҳуққ-атвор стратегияси хусусиятларини аниқлаш имконини беради. Шу даврдаёқ, ўқувчиларда мулоқотга бўлган эҳтиёж уйғониб, мулоқотга киришишга бўлган истак юзага келади. Айниқса, қовишимсиз, нутқи суст, ортиқча қўзғалувчан болалар учун ўйин таъсир ҳисобланади. Кўпинча бундай болалар онгли равишда ёки беихтиёр мулоқотга, жамоа фаолиятига киришишга қўрқадилар. Ўйин эса улардаги бу руҳий тўсиқни йўқотиш имконини беради [3].

Машғулотлар давомида турли ўзгаришларга тайёр бўлиб туриш лозим. Ҳар бир машғулотлар ўқувчиларнинг ёш, индивидуал, типологик, психо жисмоний ривожланиш хусусиятларини инобатга олган ҳолда турли ўйин технологияларини қўллаш мумкин. Уларнинг баъзиларини мисол тариқасида келтириб ўтамиз:

Доира бўйлаб ҳикоя қилиш.

Ўйинни ташкил этувчи ўқувчилар тилга ва онгига мос бўлган, ўқувчилар қизиқишларини ифода эта оладиган ҳамда уларнинг турмуш тарзи билан боғлиқ бўлган ҳикояни бошлайди ҳикоянинг маълум бир жойига келиб, у ҳикоясини тўхтатади. Навбатдаги боладан ҳикояни давом эттириш талаб этилади. Ҳар бир ўқувчига энг кўп ва энг кам ҳисса қўшиш меъёри белгилаб қўйилади: энг кам ҳисса - битта гап бўлиб, бу нутқий мулоқотда қийинчиликларга дуч келадиган ҳар бир боланинг қўлидан келади, энг кўп ҳисса-ҳикояни ярим минут ёки ундан ортиқроқ давом эттиришдир.

2.Таниш эртақларни айтиш.

Эртақларни айтиш бир неча усулларда ташкил этилиши мумкин:

А) Стол устидан қоғоз шакллари ёрдамида ўқувчилар учун таниш бўлган эртақ танлаб олинади. Роллар ўқувчиларга тақсимланади. Улар қоғоздан ўз қаҳрамонларини ясайдилар, шундан сўнг эртақ қоғозли қаҳрамонлар билан ҳикоя қилинади.



Б) Қўғирчоқлар ёрдамида эртак айтиш шуниси диққатга сазоворки, ўз тортинчоқлиги билан ажралиб турадиган уятчан болалар ҳам қўғирчоқлар билан эртак сюжетларини жуда осонлик билан ижро этадилар. “Рамзлар ёрдамидаги мулоқот, сўзлар ёрдамидаги мулоқотдан кам аҳамиятга эга эмас. Баъзан бу бола билан мулоқотнинг бирдан-бир мулоқотнинг бирдан-бир йўлидир”. Шундай болалар борки, улар фақат қўғирчоқ орқали гапиришга қодирдирлар” - деб ёзган эди Ж.Родари.

В) Эртак қахрамонларини тавсифлаш. Мазкур усулини танлов тарзида ўтказиш янада самаралироқдир. Болалар гуруҳларга бўлинадилар. Ҳар бир гуруҳ муайян эртак қахрамонларини тавсифлаш топшириғини олади.

Г) Эртакларни тўқиш.

Муайян мавзу бўйича ҳар бир ўқувчи ўз эртагини тўқиб, баён этади.

Баён этилган барча махсус ўйинли машғулотлар ақлий ривожланишда нуқсони бўлган болалар мулоқотини ривожлантиришнинг самарали усуллари билан бирдир.

Мулоқотни ривожлантиришга қаратилган ўйинли вазифалар тизимини шартли равишда ўйин машқлари дейиш мумкин. Улар психотерапевтик мақсадга эга бўлиб, алоҳида методика асосида ўтказилади.

Бунда энг муҳим нарса педагог ҳар бир ўйин машқида қандай йўл-йўриқ беришдан иборатдир. Ўйин машқлари қуйидагича бўлиши мумкин:

1. “Интервью”

Ўқувчилар навбати билан бир-бирларидан интервью оладилар. Қуйидаги тусдаги саволлар берилиши мумкин:

-Сен шеърни яхши кўрасанми?

-Сенинг севимли рангинг?

-Сенинг севимли эртагинг?

-Сенинг энг яхши кўрган исминг?

-Қайси ўйинни яхши кўрасан?

-Сенинг севимли дарсинг?

Битта машғулотларда 3-4 кишидан интервью олиш мумкин.

Интервью олишнинг мураккаблаштирилган вариантини ўтказиш мумкин. Ўйин қатнашчилари “ролларда” саволлар берадилар.

2. “Мимика ва имо-ишоралар”.

Бу машқлар мулоқотнинг новербал воситаларини ривожлантириш, шунингдек, эркин мулоқотни шакллантириш учун зарур. Ўйин вариантлари:

а) Ҳар бир ўқувчи бирма-бир юз ифодаси билан турли ҳолатларни ифода этадилар (қувонч, ташвиш, ғазаб, мамнунлик ва ҳ.к.)

б) юқоридаги юз ифодаси орқали ҳолатларни ифода этишда кўплар ҳам иштирок этиши мумкин;

Бу ўйин машқлари ролли ҳисобланмайди. Лекин ролларнинг ролли ўйинлар билан умумий томони шундаки, улар болага ижодкорлик ва эркинлик руҳини бағишлайди.

Ўйин машқлари педагог билан ўқувчилар ўртасида ҳамжиҳатлик ва ишонч бўлган шароитдагина ўзининг коррекцион-тарбиявий самарасини кўрсатади.

Юқорида баён этилган ўйин технологияларнинг асосий психокоррекцион мақсади ақли заиф ўқувчилар мулоқотини шакллантириш, ҳиссий-ирода соҳасини кенгайтириш ҳамда шахсни ривожлантиришдан иборатдир [1].

Ақли заиф ўқувчиларнинг мулоқот муносабатларини ривожлантириш йўллари муаммоси бўйича олиб борган тадқиқотларимиз асосида қуйидагиларни хулоса қилишимиз мумкин:

- муаммони экспериментал ўрганиш учун ташкил этилган тажриба натижаларига хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ақли заиф ўқувчилар мулоқоти бош миядаги органик жароҳат, билиш жараёнлардаги ривожланишнинг сезиларли даражада орқада қолиши, ҳиссий-ирода соҳадаги ўзига хос ўзгаришлар ва энг асосийси нутқнинг меъёрий ривожланмаганлиги билан чекланиб қолади.

- ақли заиф ўқувчилар мулоқотининг хусусиятлари улар яшаётган муҳит, бажараётган фаолият жараёни, типологик ва индивидуал хусусиятлари, нуқсонининг характери, шу билан бирга нутқий ривожланиши даражасига кўра турлича бўлади.

- изланишларимизда шу нарса аниқ бўлдики, ақли заиф ўқувчиларнинг мулоқотини ривожлантириш, улар билан боғлиқ бўлган кўпгина муаммоларнинг ҳал қилинишига замин яратади. Уларнинг мулоқотини илк болалик давридан бошлаб ривожлантириш, махсус таълим шароитида улар мулоқотини янада такомиллаштириш имкониятларини кенгайтиради.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бу йўлда ҳар биримиз сидқидилдан фаолият юритиб, баркамол авлодни тарбиялашда тинмай меҳнат қилишимиз лозим. Биз ўз ишимизда ёрдамчи мактабларда ўқувчилар мулоқот муносабатларини ривожлантириш босқичларида олиб бориладиган ишларни ўрганиб, ўқувчилар нутқини ўстириш босқичларида олиб бориладиган ишлар мазмунини такомиллаштириш йўлларида айримларини, уларнинг ўзига хос томонларини ёритиб беришга ҳаракат қилдик.

#### ***Фойдаланилган адабиётлар:***

1. Вочков И.В., Введения в сказко - терапию. – М.: “Гнезис”, 2011. 5-6 стр.
2. Кольягина В.Г., Арт – терапия и арт – педагогика для дошкольников. - Учебно – методическое пособие издательство. “ Прометей”, 2016. 10-14 стр
3. Никитин В.Н., Арт терапия.– М., Когито - центр 2014.
4. Мастюкова Е.М., Московкина А.Г. Семейное воспитание детей с отклонениями в развитии. – М.: Владос, 2004. –408 с.